ИНСОН ОМИЛИ – ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ ВА БОШ МАҚСАДИ

М.А.Ахунов

Мақолада иқтисодиёт назарияси ва амалиётининг долзарб масаласи бўлган инсон омили ва унинг ижтимоий тараққиётдаги роли ҳақида фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: инсон омили, капитал, инсон капитали, тадбиркорлик, таълим .*

В статье рассматривается одна из актуальных проблем экономической теории и практики – человеческий фактор и его роль в общественном прогрессе.

***Ключевые слова**: человеческий фактор, капитал, человеческий капитал, предпринимательство, образование.*

The article deals with a human factor and its role in the social development which is considered to be actual problem of the theory and practice of economy .

***Key words**: human factor, capital, human capital, prudence, education.*

Инсон омили иқтисодиёт назариясининг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан ҳисобланади. Инсон омили ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида турлича ва мунозарали тарзда талқин қилиб келинмоқда. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъи назар, моддий бойликлар ишлаб чиқаришда ва хизматлар кўрсатишда қатнашадиган барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари деб аталади. Табиий ресурслар, инсон ресурслари ва капитал ресурслар ишлаб чиқариш омилларининг таркибий қисмларидир ва уларнинг ҳар бирининг иқтисодий тизимда ўз ўрни ва аниқ бажарадиган вазифалари бор. Инсон ишчи кучининг эгаси сифатида ишлаб чиқаришнинг шахсий омилига айланган. Инсон омили тушунчасининг мазмуни ва аҳамиятини инсоннинг ижтимоий юксалиш зиналарини ҳамда тараққиётнинг етакчи ва ҳал қилувчи омилига айланишидаги шарт-шароитларни ўрганиш орқали талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Инсон омили – башарият тарихида, жумладан, Ватанимиз тарихида барча моддий ва маданий бойликларнинг бунёдкори, тараққиётнинг етакчи кучи бўлган онгли инсон, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг беқиёс яратувчилик салоҳияти демакдир” [1.4]. Юртбошимизнинг бу сўзларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, кенг маънода инсон омили инсоният ўз босиб ўтган тарихий ривожланиши жараёнида моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори, бунёдкори, тараққиётнинг етакчи кучи сифатида намоён бўладиган инсоннинг, жамиятнинг билим ва тажрибаси, ақл заковати, куч-қудрати, салоҳиятидир.

Инсон, авваламбор, биологик белгиси, иккинчидан, ижтимоий моҳиятига эга тирик мавжудотдир. Инсон тирик организм бўлгани учун ҳам унга яшашга даъват этувчи эҳтиёжлар хосдир. Инсон эҳтиёжлари истеъмол қилиш қобилиятлари бўлиб, улар ижтимоий характерга эга. Бу эҳтиёжларини қондириш учун инсон бойликларга ва хизматларга эга бўлиши, шунинг учун ҳам ўз меҳнати билан уларни ишлаб чиқариши, яратиши керак бўлади. Инсоннинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқловчи хусусияти унинг меҳнат қилиш қобилиятидир. Инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилияти ишчи кучи деб аталади. Инсон эҳтиёжлари унинг туғилиши билан шакллана бошланса, инсондаги меҳнат қилишга бўлган қобилият секин-аста, улғайиш билан шакллана боради. Меҳнат қилиш қобилиятига – ишчи кучига эга бўлгани туфайли ҳам инсон ишлаб чиқариш омилига айланади. Инсон ўз эҳтиёжларини ўз меҳнати билан қондира олиш салоҳиятига эга мўъжизакор мавжудотдир.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган пайтда инсон омилининг ўрни ва аҳамияти ўзгариб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон омили маъмурий буйруқбозлик тизимидагидан кескин фарқ қилувчи имкониятларга эга бўлади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида инсон учун манфаатдорликка, тадбиркорликка, ишбилармонликка, мустақил қарорлар қабул қилишга, чуқур билим ва малака, касб-ҳунарга эга бўлишга кенг имкониятлар яратилган. Шу сабабли ҳам бугунги кунда бизнинг юртимизда инсон омилининг илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиш долзарб масалага айланиб бормоқда.

ИҚТИСОД

XIX асрнинг 1-ярмида иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш омиллари (факторлари) тушунчаси кенг қўллана бошланди. Ғарб иқтисодчиларидан Ж.Б.Сей, Н.У.Сениор, Ф.Бастиа қийматларнинг яратилиши ва даромадларнинг тақсимланишида уч омил (фактор) - капитал, меҳнат ва ер ишлаб чиқариш натижасида ўз улушларига, яъни капитал эгаси фоиз ва фойдага, меҳнат қилувчи иш ҳақига, ер эгаси ер рентасига эга бўлиши адолатдан эканлигини исботлай бошладилар. Уларнинг бу ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса-да, айрим жиҳатларига қўшилган ва айримларига қарши чиққан ҳолда, янги мулоҳазалар билан ривожлантириб борилмоқда. Айниқса, инсон омилига бўлган эътибор кейинги асрларда янада кенг тус олди. Бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган жамиятларда инсон омили тушунчаси билан бир қаторда инсон капитали термини кенг қўлланмоқда. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шаклланаётган бугунги кунда бизда ҳам амалиётда ва илмий адабиётларда инсон капитали термини қўлланмоқда.

XX асрнинг 20-йилларида Америка Қўшма Штатларида юзага келган тэйлоризмга қарши фикрлар асосида, 50-60-йилларда Ғарбда илмий-техника инқилоби кучайиши билан “инсон капитали” назарияси пайдо бўлди ва кўплаб олимлар бу назария билан шуғуллана бошлади. Бу назария америкалик иқтисодчилар Г.Беккер, Б.Вейсброд, Ж.Минцер, Л.Хансен, Т.Шулъц асарларида олға сурилган. Янги назария тарафдорлари замонавий ишчи кучининг шаклланишида касбий тайёргарлик, илм-фан, таълимнинг ролига алоҳида эътибор бера бошладилар ва бу соҳаларга сарфланадиган сармоялар келажакда катта фойда келтиришини исботлай бошладилар. Меҳнат унумдорлигининг ўсишига меҳнат қилиш шарт-шароитлари, меҳнатга бўлган муносабат, бошқарув шакллари ва усуллари, бўш вақтни самарали ўтказиш, дам олиш ва шу кабиларнинг ўзига хос таъсири ўрганила бошланди. Бу тушунчалар шу вақтгача иқтисодий тадқиқотлар доирасида эмас деб ҳисобланарди. 1964 йилда Нью-Йоркда нашр қилинган Г.Беккернинг “Инсон капитали” китобида бу назария кенгроқ асослаб берилди. Иқтисодиёт назариясида анъанага айланган даромадларнинг меҳнат, ер эгалиги, капитал каби уч омил ўртасида тақсимланишига бошқача ёндашиб, тадбиркорлик каби тушунча ёрдамида тўртинчи омил тўғрисида гапира бошлади. Бу назария тарафдорлари фикрларига кўра, тадбиркорлик инсоннинг билими, малакаси, салоҳияти каби қобилиятлари билан илмий-техника инқилобига мос ва хос ишчи кучига айланишидир. Ишлаб чиқариш воситаларига эга мулкдорларга ўхшаш тадбиркорлик қобилиятига эга мулкдорлар гуруҳи вужудга кела ва ривожлана бошлайди. Бугунги кунга келиб бозор иқтисодига оид кўпчилик адабиётларда ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер-сув, тадбиркорлик қобилияти кабилар тўғрисида гап боради. Ғарб олимларининг иқтисодиётга оид дарсликларида айтилишича, “меҳнат” ва “тадбиркорлик” тушунчалари жуда яқин маънолардаги тушунчалардир. Тадбиркорлик деганда бошқарув ва ташкилотчилик малакалари тушунилади. Тадбиркор ишлаб чиқаришнинг меҳнат, капитал, ер-сув каби омилларини жамлайди, бирлаштиради ва ўзи ҳам жамланади. Тадбиркор ўз фаолияти натижасида муваффақиятларга эришса, фойда кўради, акс ҳолда, банкротга учрайди, зарар кўради. Ишчи кучи ва тадбиркорлик инсонда мужассамлашган қобилиятлар, кўникмалар, малакалар, билимлардир. Билимга, малака шаклланиши ва ўсишига, салоҳиятнинг кучайишига сарфланадиган харажатлар капитал бўлиб, улар инсонда мужассамлашади ва инсон капиталини ташкил қилади. Инсон капитали назариясига биноан таълим, касбий тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх-наво ва даромадлар тўғрисидаги информациялар, болаларнинг туғилиши ва тарбияланиши инсонга инвестициялар – сарф-харажатлар талаб қиладиган шакллардир, соҳалардир. Маориф, таълим ва касбий тайёргарлик инсоннинг умумтаълим ва касбий билимларини оширади; соғлиқни сақлаш саломатликни тиклаш ва умрни узайтириш орқали инсоннинг меҳнатга лаёқати узайтирилади; информациялар ва миграция иш кучининг ўзини намоён қила оладиган ва даромадлироқ жойларга кўчиб ўтишига имкон беради; туғилиш ва болаларни тарбиялаш инсон капиталининг янги авлодини етказиб беради. Бу жараёнлар иқтисодий фаолият билан боғлиқлиги учун ҳам унга давлатнинг аралашувини, инсон тараққиётини инвестициялашини, сармоялашини талаб этади.

Иқтисодиёт назариясида ишчи кучини ишлаб чиқариш харажатлари ва такрор ишлаб чиқариш, асосан, қуйидагилардан иборат бўлади:

биринчидан, меҳнат жараёнида инсон жисмоний, ақлий, ҳаётий энергияларини сарфлайди ва шунинг учун ҳам меҳнат қилиш қобилиятини қайтадан тиклаши талаб этилади;

иккинчидан, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш аҳолининг табиий ўсиши, янги авлоднинг дунёга келиши билан боғлиқ, яъни оилаларнинг тараққиёти билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш зарурияти келиб чиқади;

учинчидан, янги авлодни меҳнат қилишга, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, уларга касб-ҳунар бериш, ўқитиш ва тарбиялаш, малакасини ошириш, қайтадан тайёрлаш талаб этилади.

“Капитал” деганда фойда олиш мақсадида инвестиция қилинадиган бойлик ёки пул тушунилади. Шу маънода инсон капитали инсонга келажакда катта натижалар ва фойда олиш мақсадида сиҳат-саломатлиги, таълим ва тарбия олиши, касб-ҳунарга эга бўлиши ва иш билан таъминланиши, қобилият ва салоҳиятини ривожлантириши учун сарфланадиган харажатлар – инвестициялардир. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон капитали даромад манбаи сифатида хизмат қилади ва унга йўналтирилган инвестициялар, одатда, инвесторларга фойда келтиради.

Ҳаёт тажрибаси шуни исботлаб кўрсатмоқдаки, инсон капиталига, айниқса, таълим-тарбия ишларига, шу жумладан, техник ва касб маҳоратига кучли урғу бериб, сарф-харажатларини кўпайтирган мамлакатларда давлатлар кучли ва қудратли бўлиб бормоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) экспертлари миллатларнинг фаровон ва юксак даражада яшаётганлигини аниқлашда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичидан фойдаланиши бежиз эмас. Бу кўрсаткич уч параметрни ўз ичига олади:

- инсоннинг ўртача умр кўриши даражаси;
- аҳолининг саводхонлик даражаси;
- аҳолининг жон бошига оладиган даромадлари бўйича кўрсаткич.

Мамлакатимизда 2015 йилга келиб ўртача умр кўриш даражаси 1991 йилдаги 67 ёшдан 73 ёшга, аҳолининг реал даромадлари шу йилларда жон бошига 9 мартага кўпайди. 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган эзгу ғоя бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда.

Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори фарзандларимизни жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ўтган йилда “Соғлом она-соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан ортиқ оналар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди ва натижада 2 миллион 800 минг аёллар ва 2 миллион 500 минг болалар соғломлаштирилди, 2 миллионга яқин ёшлар, шу жумладан, 840 мингдан зиёд қиз болалар спортнинг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланиш имкониятларига эга бўлдилар.

Ўзбекистон бугунги кунда мустақиллик туфайли таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари билан бир қаторда туради. Жаҳонда ўртача таълим индекси кўрсаткичи 0,77 га тенг бўлган ҳолда мамлакатимизда бу кўрсаткич 0,9920 ни ташкил қилган ҳамда катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражасини 99,3-100% даражада сақлаб туриш вазифаси белгиланган. Ўзбекистонда муайян ёшдаги болаларнинг 100 фоизини ўқитишни қамраб олган 9 йиллик бепул умумий таълим тизими, уч йиллик умумий бепул махсус профессионал касб таълими тизими, олий таълим тизими, олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизими амал қилмоқда. Мамлакатимизда таълимга сарфланаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини, давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини ташкил қилмоқда.[2] Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес мактабларидан бири – “INSYeAD” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллади.

Таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадида 2014 йилда 540 дан ортиқ объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тубдан янгиланди ҳамда уларга қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида республикамизда фаолият олиб бораётган 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди, Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари битказилиб, фойдаланиш учун топширилди.

Иқтисодиёт назариясида инсон омили иқтисодий инсон, ишчи кучи, ишлаб чиқариш шахсий

омили, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, инсон капитали, тадбиркор, ишбилармон, бизнесмен тушунчалари ёрдамида ўрганилади, таҳлил қилинади. Инсон ишлаб чиқарувчи, тақсимловчи, айирбошловчи, истеъмолчи сифатида иқтисодиётда фаол қатнашмоқда. Инсон, бир томондан, ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи, меҳнатга лаёқати бор шахс, иккинчи томондан, истеъмолчи, инсоний эҳтиёжлар соҳиби. Шунинг учун ҳам инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти билан бирга истеъмол қилиш қобилияти – эҳтиёжларини ҳам тарбиялаб бориш керак.

Бугунги кунда ҳам инсон қобилияти ва салоҳиятлари ҳали тўла-тўкис намоён бўлгани йўқ ҳамда уни ўрганиш ва ривожлантириш кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир.-Т.: Ўзбекистон, 2012.- 144 б.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.- Т.: Ўзбекистон, 2015.- 304 б.

3. Саидов М. Инвестиции в человеческий капитал. “Мечта о совершенном поколении” // Таълим технологиялари.- 2007.- № 2.- С.22-23

4. Мирзакаримова М. Инсон капитали.// Иқтисод ва ҳисобот.- 1995.- №10-12.- Б.66-67

5. Халқ сўзи.- 2015.- 1 сентябрь.

Андижон давлат университети,
2015 йил 14 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: и.ф.н. У.Сотволдиев)